

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 228-ҳадис

228 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، أَنَّهَا قَالَتْ: خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ حَجَّةِ الْوُدَاعِ، فَأَهْلَلْنَا بِعُمْرَةٍ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ مَعَهُ هَدْيٌ، فَلْيُهَلِّ بِالحَجِّ مَعَ العُمْرَةِ، ثُمَّ لَا يَحِلَّ، حَتَّى يَحِلَّ مِنْهُمَا جَمِيعًا»، قَالَتْ: فَقَدِمْتُ مَكَّةَ وَأَنَا حَائِضٌ، لَمْ أَطْفُءِ بِالْبَيْتِ، وَلَا بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ، فَشَكَوْتُ ذَلِكَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «اتَّقِضِي رَأْسَكَ، وَامْتَشِطِي، وَأَهْلِي بِالحَجِّ، وَدَعِي العُمْرَةَ»، قَالَتْ: فَفَعَلْتُ، فَلَمَّا قَضَيْتِ الحَجَّ أَرْسَلَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ إِلَى التَّنْعِيمِ، فَأَعْتَمَرْتُ، فَقَالَ: «هَذِهِ مَكَانُ عُمْرَتِكَ»، فَطَافَ الَّذِينَ أَهَلُّوا بِالعُمْرَةِ بِالْبَيْتِ وَبِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ، ثُمَّ حَلُّوا، ثُمَّ طَافُوا طَوَافًا آخَرَ بَعْدَ أَنْ رَجَعُوا مِنْ مَنَى لِحَجَّتِهِمْ، وَأَمَّا الَّذِينَ كَانُوا جَمَعُوا الحَجَّ وَالْعُمْرَةَ، فَإِنَّمَا طَافُوا طَوَافًا وَاحِدًا.

[خ 294، م 1211، ت 820، س 242، د 1750، جه 2963].

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Видолашув ҳажида Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга йўлга чикдик ва умра учун эҳром боғладик. Кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Кимнинг ҳадийси* бўлса, ҳаж ва умра учун эҳром боғласин, сўнг ҳар иккисидан эҳромдан чиқмагунича эҳромни ечмасин», дедилар. Маккага ҳайзли ҳолда кириб келдим. На Байтни, на Сафо-Марвани тавоф қила олмай, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга шикоят қилдим. Шунда у зот: «**Сочингни** ёйиб юбор, тараниб ол. Ҳаж учун эҳром боғлагин-да, умрани қўйиб тур», дедилар. Мен шундай қилдим. Ҳажни адо этиб бўлганимизда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мени Абдурраҳмон ибн Абу Бакр билан бирга Танъимга жўнатдилар. Шунда умра қилиб олдим. У зот: «Бу умрангнинг ўрнига», дедилар. Умра учун эҳром боғлаганлар Байтни ва Сафо-Марвани тавоф қилиб, сўнгра эҳромдан чиқишди. Кейин Минодан қайтганларида ҳаж учун яна бир бор тавоф қилишди. Ҳаж ва умрани жам

қилганлар эса бир мартагина тавоф қилишди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Ҳадий – ҳадя, совға дегани бўлиб, истилоҳда Байтуллоҳга ҳадя ўлароқ, ҳаж ёки умра қилувчи ҳарам ҳудудида сўйиш учун олиб келган қурбонлик. Одатда, туя, қорамол, қўй ёки эчкилар ҳадий бўлади.

Изоҳ: Бир гуруҳ фуқоҳолар ушбу ҳадисдан «қирон ҳажи учун бир марта саъй қилиш кифоя» деган ҳукмни олганлар. Аммо бошқа бир гуруҳ, жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари қирон ҳажида ҳаж учун алоҳида, умра учун алоҳида саъй қилиш лозим, дейдилар.

Ҳаж уч турли бўлади:

1. «Таматтуъ» сўзи «баҳраланиш», «фойдаланиш» маъноларини англатади. Таматтуъ ҳажнинг турларидан бири бўлиб, унда аввал умрани бажариб олиб, эҳромдан чиққач, ҳаж вақтигача эҳром ҳаром қилган нарсалардан таматтуъ қилиб, яъни баҳраланиб юриб, ҳаж кунлари келганда яна эҳромга кириб, ҳаж адо этилади. Таматтуъ ҳажи ҳаж ойларида четдан келиб ҳаж қиладиганларга жоиздир. Маккада яшовчиларга ҳамда Маккага ҳаж ойларидан аввал келиб, ҳаж мавсумини кутиб турганларга жоиз эмас.
2. Қирон – ҳаж ойларида ҳаж ва умрани бирга ният қилиб эҳром боғлашдир. «Қирон» сўзи «яқинлик», «қўшилиш» маъноларини англатади. Умрага яқинлаштириб, унга қўшиб қилинган ҳаж «қирон ҳажи» дейилади. Бунда орада эҳромдан чиқилмайди.
3. «Ифрод» сўзи «ёлғизлатиш», «битта-битта қилиш» деган маъноларни билдиради. Ифрод ҳажда фақат ҳаж қилишни ният қилиб эҳром боғланади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

